

МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАШ МИНТАҚАЛАР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**Камилова Санобар Мирджемаловна -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази стажёр-тадқиқотчи**

Аннотация: Ушбу мақолада минтақалар иқтисодиёти ривожланишини тартибга солишда дастурий-мақсадли бошқарув усулларини қўллаш масалалари кенг ёритилган.

Калитли сўзлар: мақсадли дастурлаш, минтақалар иқтисодиёти, бошқарув усуллари, дастурий-мақсадли бошқарув, дастурий ёндашув, минтақа тармоқ, корхона.

Аннотация: В статье рассматривается применение методов программно-целевого управления в регулировании развития экономики регионов.

Ключевые слова: целевое программирование, региональная экономика, методы управления, программно-целевое управление, программный подход, региональная сеть, предприятие.

Abstract: The article examines the application of methods of program-targeted management in regulating the development of the regional economy.

Key words: target programming, regional economy, management methods, target program management, program approach, regional network, enterprise.

Иқтисодиётни бошқаришда дастурий ёндашув корхона, фирма, компания каби ишлаб чиқариш бирликлари, тармоқлар, ҳудудлар ва умуман олганда иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тузилмаларида кенг қўлланилади. Дастурий-мақсадли ёндашув тамоилларига асосланган бошқарув жараёни ва бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини ташкил этишни дастурий-мақсадли бошқарув деб ҳисоблаш ўринли ҳисобланади. Дастурий-мақсадли усул башоратлаш ва индиактив режалаштириш усуллари билан бир қаторда, мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудларини ривожлантириш борасида давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим воситаси сифатида хизмат қилади.

Бироқ, микроиқтисодий даражадаги дастурлар ҳам, дастурий-мақсадли бошқаришнинг воситалари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳудудий, шаҳар, тармоқ дастурлари;
- ишлаб чиқаришни реструктуризациялаш, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни янгилаш, сифатни яхшилаш, маҳсулот рақобатбардошлиги ва рентабеллигини ошириш дастурлари.

Дастурнинг мақсади, унга юклатилган функция ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, дастурларнинг қуйидаги турларини фарқлаш лозим:

➤ ижтимоий муаммоларни бевосита ҳал этиш (яъни, ижтимоий эҳтиёжларни қон-

дириш) ёки ижтимоий иқлимни яхшилашга ёрдам берувчи иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар;

➤ янги истеъмол товар ва хизматлари, материал турлари, истиқболли технологияларнинг янги конструкцияларини яратиш соҳасида илмий-техник ютуқлардан самарали фойдаланиш, илмий тавсифга эга бўлган йирик муаммоларни ҳал этишни мақсад қилиб қўйган илмий-техник, инновацион дастурлар;

➤ маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берувчи, муайян бир ишлаб чиқариш турлари ва технологик жараёнларни ривожлантиришга йўналтирилган технологик-ишлаб чиқариш дастурлари;

➤ асосий мақсади барча даражада хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни йўлга қўйишнинг ташкилий-иқтисодий усулларини такомил-лаштиришдан иборат бўлган ташкилий-хўжалик дастурлари;

➤ йирик қўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишини таъминлаш жараёнларида муҳим ўрин тутувчи инвестицион дастурлар;

➤ ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш дастурлари;

➤ алоҳида ҳудудлар иқтисодиётини комплекс ривожлантиришга қаратилган ҳудудий-ишлаб чиқариш (ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиш ва ривожланти-

риш) дастурлари;

➤ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг ҳавфсиз турмуш кечиришини таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал қилувчи экологик масалалар ҳал этишга йўналтирилган экологик дастурлар.

“Дастурий-мақсадли бошқарув” тушунчасининг ўзи аниқ ва бир маъноли изоҳ ва шарҳга эга эмас, кенг маънода йирик бошқарув қарорларини дастурий татбиқ қилиш усули сифатида ҳам, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда комплексли ва тизимли ёндашувни амалга ошириш сифатида ҳам талқин қилинади.

Комплексли мақсадли дастур бу – замон ва макон бўйича йўналтирилган, мазмуни, муддати ва ижрочилари бўйича мувофиқлаштирилган, ресурслар манбалари билан таъминланган, умумий муаммони ҳал қилиш ва умумий мақсадга эришишга қаратилган, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, ишлаб чиқариш-технологик, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, экологик характердаги чора-тадбирлар тизими.

Дастурнинг мақсади ижрочилар томонидан белгиланган ресурслар таъминоти шартларида ҳал қилинадиган вазифалар тўплами томон ривожланади. Пировардида мақсад ресурсларни мос келувчи ўзгартириш йўли билан вақти келган муайян эҳтиёжларни қондиришдан иборат бўлади. Шу сабабли дастурдаги чора-тадбирлар ва вазифаларнинг бир-бирига боғлиқлиги нафақат мақсаднинг умумийлиги, балки якуний маҳсулот, технологиялар, хом ашё ресурслари, ишлаб чиқариш базаси, истеъмолчилар, ҳудуд ва транспорт умумийлиги каби муҳим алоқалар билан ҳам асосланади. худди шу тарзда фойдаланиладиган ресурслар деганда мақсадга эришиш учун зарур бўлган барча моддий, молиявий, меҳнат ва ахборот ресурслари харажатлари, шунингдек, нафақат ишлаб чиқариш соҳаси, балки дастурий лойиҳа тайёрлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ муомала ва истеъмол соҳаларидаги ресурслар харажатлари йиғиндиси тушунилади. Дастурларнинг ресурслар таъминоти манбалари давлат бюджети ва маҳаллий бюджет доирасидан четга чиқиши, дастурни амалга оширишдан манфаатдор бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини, банклар ва бошқа молиявий муассасаларнинг инвестицияларини, кредитларни, қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушумларни, хай-

рия ёрдами ва бошқа бюджетдан ташқари манбаларни ўз ичига олиши мумкин. Қайд этилган хусусиятлар иқтисодий дастурларга комплексли характер бахш этади.

Иқтисодиётни бошқаришдаги дастурий ёндашув бутун иқтисодиётни, минтақалар ва тармоқларни, корхона, фирма ва ташкилотлар кўринишидаги ишлаб чиқариш бирликларини бошқаришнинг ташкилий структураларига нисбатан ҳам амал қилади. Дастурий-мақсадли ёндашув тамойилларига асосланган бошқарувнинг ташкилий структураларини, бошқарув жараёнини ташкил қилишни дастурий-мақсадли бошқарув деб ҳисоблаш ўринли бўлади.

Бозор иқтисодиётида мақсадли дастурларнинг алоҳида ўрни шу билан белгиланадики, бозор ҳар доим ҳам минтақаларни ривожлантириш учун қўшимча молиявий ва моддий ресурсларни тўлиқ сафарбар этишга имкон бермайди. Бозор ресурслардан фойдаланиш муаммоларини муваффақиятли ҳал қилсада, етарлича узоқ муддатли инвестицион цикли талаб қилувчи уларни такрор ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал этишнинг уйдасидан чиқа олмайди. Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини бошқаришнинг дастурий-мақсадли усулининг афзалликлари умумий тарзда қуйидаги ўзига хос жиҳатлар билан тавсифланади (жадвал).

Бу давлат секторини ривожлантириш билан бир қаторда, уларнинг фаолият кўрсатиши мамлакат миллий ҳавфсизлигини таъминлаш борасида ҳаётий муҳим аҳамиятга бўлган - ҳарбий-саноат, агросаноат, металлургия, ёқилғи-энергетика каби хўжалик мажмуалари, иқтисодий ўсишнинг локомотивлари ҳисобланувчи мамлакатнинг алоҳида худудларини устувор тарзда ривожлантириш, ноқулай табиий-иқлим ва транспорт шарт-шароитларига эга бўлган қолақ ва иқтисодий ривожланишдан орқада қолаётган худудларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, бирдек тегишлидир.

Бунда “ташқи самара” деб аталувчи ҳолатлар, масалан инфратузилмани ривожлантириш асносида тижорат секторининг сарф-харажатларни тежаш имконига эга бўлиши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги босқичда худудий дастурларни амалга оширишнинг иқтисодий самараси ижтимоий ва иқтисодий самара ва йўқотишлар билан ўзаро солиштирилади.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни бошқаришнинг дастурий-мақсадли усулининг ўзига хос жиҳатлари

Номланиши	Мазмуни
Дастурнинг индикатив тавсифи	Амалга ошириш муддатлари билан дастурларни зарурий моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминланиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд
Дастур асосий мақсад ва вазифаларининг тизимли тавсифи	Минтақани турли таксономик даражаларда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг мураккаб комплекс (тармоқлараро ва минтақалараро) муаммоларини ҳал қилиш
Методологик ва услубий ёндашувларнинг яхлитлигини	Турли таксономик даражадаги худудларни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш
Чекланган моддий ва молиявий ресурсларни бир жойда жамлай олиш лаёқати	Иқтисодиётни жадал тараққий эттириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий масалаларини ҳал қилиш (қайта ишлаш саноати тармоқларини жадал ривожлантириш, биринчи навбатда, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, фан сиғимли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш кабиларни кўзда тутувчи тузилмавий сиёсатни амалга ошириш
Мультипликатор самарасидан фойдаланиш имконияти	Потенциал маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг маблағлари, банк кредитлари, манфаатдор давлат корхоналар ва тижорат фирмаларининг ўз маблағларини қўшимча жалб қилиш ҳисобига чекланган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш. Шундан келиб чиққан ҳолда, худудни ривожлантиришнинг кўзда тутилган истиқболлари маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун унинг инвестицион жозибдорлигини кескин яхшиланишини ва кредит ресурсларининг ўз вақтида қайтарилишини кафолатласа, катта молиявий маблағларнинг жалб этиш имконига эга бўлган мақсадли дастурларнинг ташаббусли тавсифга эга эканлиги ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади.
Ўзаро уйғунликни таъмин эта олиш имконияти	Худудий-таркибий даражаларнинг барча бўғинларида ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш борасида давлат сиёсати ва бошқарувини амалга ошириш жараёнида худудий ривожланишни бошқаришнинг дастурий-мақсадли усули билан худудий ривожланишни башоратлаш ва индикатив режалаштириш усуллари-нинг ўзаро уйғунлигини таъмин этиш
Жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти	Дастурни ишлаб чиқиш ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришда (экспертиза қилиш, уларни амалга ошириш бўйича идоралараро комиссияларни шакллантириш ва бошқалар) жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

Манба: Илмий адабиётларни ўрганиш асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Бундай мақсадларни амалга оширишда қуйидаги махсус усуллардан фойдаланилади:

- “натижа ва харажатларни баҳолаш” (cost-benefit analysis);

- “харажатларни самара билан солиштириш” (cost-effectiveness analysis).

Бироқ микроиқтисодий даражадаги дастурлар ҳам дастурий-мақсадли бошқарув воситаси бўлиши мумкин. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим:

- худудий, шаҳар ва муниципал дастурлари;

- қайта структуралаш, ишлаб чиқариш-ни модернизация қилиш, янгилаш, сифатни ошириш, маҳсулот рақобатбардошлиги ва фойдалиликни кўтариш дастурлари.

Дастурнинг мақсадлари, функциялари ва унга юклатиладиган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги дастур турларини ажратиб кўрсатиш зарур:

- ижтимоий вазифаларни (яъни ижтимоий эҳтиёжларни қондириш вазифаларини) ҳал қилишга ёки ижтимоий муҳитни яхшилашга хизмат қиладиган иқтисодий вазифа-

ларни ҳал қилишга йўналтирилган *ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар*;

- уларнинг мақсади илмий характердаги йирик муаммоларни ҳал қилиш, янги конструкциялар, янги материаллар турлари, истеъмол товарлари ва хизматлар яратиш соҳасидаги фан-техника ютуқларини ўзлаштириш ҳисобланган *илмий-техник дастурлар*;

- ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга имкон берадиган технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга қаратилган *ишлаб чиқариш-технологик дастурлар*;

- уларнинг мақсади барча даражаларда хўжалик юритишни ташкил қилиш ва бошқариш усулларини такомиллаштиришдан иборат бўлган *ташкилий-хўжалик дастурлари*;

- кенг қўламли лойиҳани амалга ошириш учун инвестициялар олиш ва фойдаланишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган *инвестиция дастурлари*;

- ўз олдида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган *ташқи иқтисодий дастурлар*;

- алоҳида ҳудудлар хўжалиklarини комплексли ривожлантиришга қаратилган *ҳудудий-ишлаб чиқариш дастурлари* (ҳудудий-ишлаб чиқариш комплекслари ташкил қилиш ва ривожлантириш);

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва одамлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қиладиган *экологик дастурлар*.

Шундай қилиб, дастур қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Муаммонинг мазмуни ва дастурнинг муаммони ҳал қилиш воситаси сифатида зарурлигини асослаб бериш

Ушбу бўлимда комплексли дастурни амалга ошириш воситасида ҳал этиш таклиф қилинган муаммонинг моҳияти, манбалари ва илдизлари баён қилинади. Дастурнинг амалга оширилишидан манфаатдор бўлган шахслар доираси, шунингдек, уни бажариш натижасида қондирилиши лозим бўлган эҳтиёжлар турлари ва қўламлари тасвирланади.

2. Дастурнинг мақсади ва вазифалари.

Дастурнинг мақсади сифат нуқтаи назаридан ҳам, уларга эришиш маълум бир муддатларга боғлаб қўйилган ўзгармас мақсадли кўрсаткичлар кўринишида ҳам шакллантирилади.

3. Дастурни амалга ошириш босқичлари.

Ушбу бўлимда дастурни амалга ошириш даври белгиланган ҳажмдаги ишларнинг бажарилиши ва яқунланиши, шунингдек, дастурнинг оралиқ мақсадларига эришилиши билан тавсифланадиган бир неча босқичга бўлинади. Босқичлар миқдори ва дастурни амалга оширишнинг ҳар бир босқичидаги ишлар мазмуни ҳад этилаётган муаммонинг характерига ва дастур даврининг узунлигига боғлиқ бўлади. Босқичларни ажратиш дастурни бошқариш ва унинг амалга оширилишини назорат қилишни енгиллаштиришга хизмат қилади.

4. Дастур таркибига кирадиган инвестицион лойиҳалар.

Федерал, минтақавий ёки тармоқ даражасидаги йирик комплексли дастурлар таркибий қисм сифатида уларни амалга ошириш дастурни амалга оширишга хизмат қиладиган ёки дастурни ҳаётга татбиқ этишнинг таркибий қисми ҳисобланган нисбатан мустақил илмий-техник, ишлаб чиқариш-технологик, ижтимоий ва бошқа турдаги инвестиция дастурларини ўз ичига олиши мумкин. Бундай лойиҳаларга хос бўлган хусусият шундаки, улар амалга оширилиш учун дастурнинг ресурслар манбалари ҳисобига таъминланадиган инвестициялар ва йирик капитал қўйилmalarини талаб қилади.

5. Дастур таркибидаги кичик бастурлар мазмуни.

Дастур чора-тадбирлари кичик дастурлар деб аталадиган алоҳида блокларга бирлаштирилади. Кичик дастурлар уларнинг умумийлик белгиси бўйича умумий бир комплексга бирлаштириладиган дастурий чора-тадбирлар ва ишлар йиғиндисини ифодалайди. Одатда дастурлар таркибида қуйидаги кичик дастурлар ажратиб кўрсатилади:

- дастурни амалга ошириш уларга боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг асосий тармоқлари билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлардан иборат *тармоқ кичик дастурлари*.

Масалан геология-разведка ишлари, технологиялар ишлаб чиқариш ва/ёки сотиш, техника ва асбоб-ускуналар харид қилиш ёки сотиш кичик дастурлари;

- умумий дастурий муаммонинг бир қисми ҳисобланган ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ ёки алоҳида ҳудуд доирасида амалга ошириладиган дастурий чора-тадбирларни бирлаштирадиган *ҳудудий кичик дастурлар*;

- дастурнинг ижтимоий вазифаларини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни тавсифлайдиган *ижтимоий кичик дастурлар*.

6. Дастурнинг ресурслар таъминоти.

Бутун дастурнинг тақдири реал воқеаликка, ресурслар таъминоти самарадорлигига боғлиқ. Ресурслар таъминоти дастурни амалга оширишнинг дастурий маҳсулот ишлаб чиқишдан тортиб уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, дастурни амалга оширишнинг эҳтимолий кўнгилсиз оқибатларини бартараф қилиш билан якун топадиган барча босқичларида зарур бўлган барча ресурсларни (моддий, меҳнат, табиий, молиявий, ахборот ресурсларини) қамраб олиши лозим. Ресурслар таъминотини вақт бўйича тақсимлаш ҳамда дастурнинг барча бўлимлари ва унинг таркибига кирадиган инвестицион лойиҳалар чора-тадбирлари билан мувофиқлаштириш зарур.

7. Дастурни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми.

Дастурни амалга ошириш бутун цикли ташқи бошқарув, ўзини-ўзи бошқариш ва дастур ғояларини ҳаётга татбиқ этишнинг бориши устидан назорат қилиш жараёнларини ташкил қилишни тақозо этади. Шу мақсадда дастурий буюртмани шакллантириш жараёнидаёқ пухта ўйлаб чиқилиши ҳамда дастур лойиҳасида дастурни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми дастурда кўзда тутилган ташкил қилиш усули ва ташкилий структуралар тури, бошқарув органлари, уларнинг функциялари ва ваколатлари, шунингдек, дастурни муваффақиятли амалга оширишда ижрочилар ва қатнашчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар кўринишида тақдим этилиши лозим.

8. Дастурнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги.

Дастурнинг ижтимоий самараси дастур тури, кўлами ва даражасига мувофиқ у мамлакат, минтақа, тармоқ, шаҳар, корхоналар ва аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қандай хизмат қилиши ва бу муаммоларни қандай ҳал этиши билан тавсифланади. Реал ижтимоий самара мавжудлиги дастурнинг ижтимоий унумдорлиги аломатидир. Дастурнинг иқтисодий самараси унинг мамлакат ЯИМ, ялпи минтақавий маҳсулот, дастур ҳаракатлари қамраб олган компания ва ташкилотлар фойдасига қўшган ҳиссасида, шунингдек, мамлакат, минтақа, туман, шаҳар иқтисодиёти эҳтиёжларини

қондиришда намоён бўлади.

Махсус мезонлар таклиф этилаётган дастурнинг нафақат ушбу муаммони ҳал қилишга, балки мамлакат, минтақа, тармоқ ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётидаги бошқа муҳим муаммоларни ҳал этишга ҳам муносиб ҳисса қўшаётганлигидан далолат беради:

- ижтимоий ҳисса мезони дастурнинг эҳтиёжларни яхшироқ ва тўлароқ қондириш, аҳоли даромадларини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини кенгайтириш, аҳолининг турли қатламлари ижтимоий мақомлари даражаларини қисқартириш натижасида турмуш сифатини яхшилаш ва даражасини оширишга кўрсатадиган таъсирини тавсифлайди;

- иқтисодий ҳисса мезони таклиф этилаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқаришнинг ўсиши, бандликни ошириш, янги иш жойлари яратиш, нархларни барқарорлаштириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, маҳсулот сифатининг ўсиши ва бошқа иқтисодий мақсадларга эришишга қўшадиган ҳиссасини тавсифлайди;

- фан-техника ҳиссаси мезони дастур фан ва техниканинг ривожланиши, фан-техника салоҳиятининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг фан-техника даражаси ортиши, ташқи иқтисодий ҳисса мезонига чиқишга қай даражада хизмат қилишини белгилаб беради;

- ташқ иқтисодий ҳисса мезони таклиф этилаётган дастурнинг мамлакат тўлов балансини яхшилаш, экспортни ривожлантириш, маҳаллий товарларнинг хорижий бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий қарамликни пасайтиришга таъсирини акс эттиради;

- экологик ҳисса мезони дастурнинг одамлар яшайдиган муҳитни яхшилашга қўшадиган ҳиссасини, табиатни асраш технологиялари қўллашни, инсон ва табиат учун зарарли бўлган техноген оқибатлар ва техноген ҳалокатлар олдини олишни тавсифлайди.

Комплексли дастурлар ишлаб чиқиш дастур структураси ва мазмунига, ўзаро алоқалар мантиқи ва дастурий ишлар ривожланишига мувофиқ ташкил қилинадиган башорат-таҳлил, лойиҳа-ҳисоб-китоб, техник-иқтисодий, экспериментал-тадқиқот характердаги ўзаро боғлиқ операциялар мураккаб занжирини ифодалайди. дастур ишлаб чиқишни амалга ошириш кетма-кетлиги ва мазмуни бўйича етарли даражада универсал бўлган алоҳида босқичларга ажратиш мумкин:

- дастурни амалга ошириш йўлларини мақсадли ишлаб чиқиш ва дастлабки асослаб бериш;

- лойиҳали-илмий ишлаб чиқиш;
- структурали ишлаб чиқиш;
- ресурсли ишлаб чиқиш (расм).



Расм. Комплекс дастур ишлаб чиқиш схемаси

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Худудий дастурлаш жараёнида йўналишлар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига киритиш учун лойиҳалар танлаб олиш умумий ва хусусий мезонларга мувофиқ амалга оширилади.

Умумий мезонлар қаторига қуйидагиларга хизмат қилиш киради:

- умумий бандлик, мақсадли гуруҳлар бандлиги;
- турмуш даражаси ва даромадлар ўсиши, бюджет харажатларининг пасайиши;

- йўлдош тармоқлар ўсиши;
- маҳаллий иқтисодиёт структурали диверсификацияси ва барқарорлигининг ўсиши;
- танланган имидж ва истиқболли ихтисослашувни шакллантириш;
- умуми иқтисодий ўсиш; атроф-муҳитга таъсир;
- стратегик йўналишни амалга оширишга қаратилганлик.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов//Монография. Ташкент: 2014, IFMR, с. 41.
3. Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. 2005, «IQTISOD-MOLIYA», С. 198.
4. Гранберг А.Г. Стратегия территориального социально-экономического развития // Вопросы экономики. 2001.№9, -С.15.
5. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: “Фан”, 1992. -С. 8;
6. Каюмов А.А., Назарова Х.М., Эгамбердиев Ф.Т. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: “Университет”, 2004.
7. “Минтақани инновацион ривожлантириш стратегияси ва йўналишлари” Ш. Ахунова.”BIZNES - ЭКСПЕРТ” Номер: №7(91)-2015 й.